

Келажак фермери

Бугун юртимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш билан бир қаторда халқни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига етказадиган зарарини юмшатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, республикада деҳқон ва фермерлик ишлари санитария-эпидемиологик қоидаларига риоя этган ҳолда изчил давом эттирилмоқда.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СТАРТАП ЛОЙИХАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

— Айни кунларда далаларда иш қизғин, — дейди Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши раиси Маҳмуд Иноятов. — Фермер ва деҳқонларимиз зарур санитария-эпидемиология талабларига риоя қилган ҳолда, куну тун меҳнат қилмоқда. Бироз ноқулай об-ҳаво шароитини ҳисобга олмаганда, барча агротехник ишлар ўз вақтида амалга ошириляпти. Хусусан, уруғ ва қўчат етиштириш, сотиш ва уларни етказиб бериш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари аввалги тартибда ишлашда давом этапти.

Шу кунларда дала ишлари қизғин паллага кирган. Пахта ва ғалла йўналишидаги фермерларимиз ғалла ўғити ва чигит экиш ёки парваришлаш ишлари билан банд. Боғбонларимиз халқимиз дастурхонидида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мўл-кўл бўлишига муносиб ҳисса қўшиш истагида боғ қатор ораларида полиз маҳсулотларини етиштирмоқда.

— Қишлоқ хўжалигида вақтинча фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириб, кам таъминланган оилаларни банд қилиш, пандемия туфайли чет элга кетолмаган, ишсиз қолган ёшларни қишлоқ хўжалиги кооперативларига бириктириш бўйича яратилган тизим яхши самара бермоқда. Бу борадаги ишлар хусусида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, бугунги мураккаб вазиятда аҳоли бандлиги, хусусан, вақтинча ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур жараёнда барча ҳудудларда “Ҳар бир ёшга — бир гектар”, “Ёшлар кооперацияси”, “Ёшлар боғи” каби лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Бу йил 1 миллион гектардан ортиқ майдонда ғалла етиштириляпти. Ғалла йиғиб олингандан кейин бўшаган ерларда такрорий экин экиб, ҳосил олиш имконияти юқори бўлади. Лекин ўтказилган таҳлилларга кўра, аксарият ер майдонларида (30%дан ортиқ) такрорий экинлар экилмасдан қолиб кетаяпти. Аслида 15 гектардан ортиқ ғалла майдонига эга фермерлар тўлиқ маҳсулот эка олмаслиги табиий ҳол. Бунга унинг ишчи кучи, маблағ ҳамда техникаси етмайди. Ёки катта майдонда меҳнат унумдорлиги юқори бўлган маҳсулот етиштиришда таваккал қилишдан, ортиқча маблағ сарфлашдан қўрқади. Шу сабабли, ҳар бир қарч ердан унумли фойдаланиш, интенсив усулда маҳсулот етиштириш ҳамда кам таъминланган оилалар ва ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага кўра, ҳар бир фермер бир нафар ишсиз ёшга ғалладан бўшаган майдондан беғараз, мавсумда фойдаланиш учун бир гектардан ер ажратиб беради. Натижада, ҳам бўш ётган ердан унумли фойдаланилади, ҳам ёшлар иш билан таъминланади. Қолаверса, бозорларни арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш имконияти янада ортади. Шунингдек, ердан даромад олган ёшлар кейинчалик ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун маблағга эга бўлади.

Мазкур лойиҳа доирасида 2020 йилда 14582 нафар ёшни қамраб

олиш режалаштирилган. Яна бир жиҳати, бу йилдан лойиҳага айрим ўзгартиришлар киритилди. Эндиликда “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси доирасида фойдаланилмаётган, ташландиқ ер майдонларига ишлов берилиб, ёшларга тайёр ҳолда фойдаланишга топширилмоқда. Ҳозирга қадар 10858 нафар ёш йигит-қизга жами 11702,5 гектар ер майдонлари тайёр ҳолда берилди.

Айни пайтда Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши томонидан ҳам “Келажак фермери”, “Ўзбегим ёш фермери”, “Менинг далам — менинг фаҳрим”, “Менинг обод томорқам”, “Ёшлар агрофирмаси”, “Ёшлар агрокластери”, “Ўсимликлар клиникаси”, “Асаларичилик сирлари”, “Ипак курти — етти хазинанинг бири” сингари бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган.

Кенгаш томонидан аҳоли томорқаларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида томорқадан фойдаланиш маданиятини янада ошириш мақсадида дастлаб намуна сифатида Андижон вилоятининг Жалақудуқ ва Жиззах вилоятининг Зарбдор туманларида ўсимликлар клиникаси лойиҳаси амалга оширилди. Унга кўра, 111 нафар ишсиз ёшга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан аҳоли томорқаларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишга мўлжалланган ҳар бири 800 минг сўмлик лаборатория жиҳозлари қайтариш шарт билан олиб берилди. Ҳозир бу ёшлар ҳудудларда аҳолига хизмат қилиш орқали даромадга эга бўлмоқда. Мазкур лойиҳани бошқа жойларда ҳам босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, карантин даврида ёшларнинг вақтини самарали ўтказиш ва уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида кенгаш ходимлари томонидан онлайн мулоқотлар йўлга қўйилган. Аҳолининг уйдан чиқмасдан, ўз томорқасидан унумли фойдаланиш учун “Томорқа — даромад манбаи” шиори остида кўчатлар экиш, иссиқхоналарда амалга ошириладиган ишлар (жараёни) бўйича видеоқўлланмалар тайёрланиб, соҳага оид маълумотлар, қизиқарли фактлар, викторина ва савол-жавоблар билан бирга, доимий тарзда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимиз орқали тақдим этиб борилмоқда.

Шунингдек, ёш фермерлар учун ҳозир чет давлатларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб, малака ошираётган ҳамюртларимиз билан ҳамкорликда онлайн семинар (вебинар) лар ташкил этишни йўлга қўйдик.

Кенгаш томонидан бир қатор онлайн танловлар ҳам эълон қилинган. Хусусан, ёшларни карантин даврида уйларида қолиб, ўз томорқасидан самарали фойдаланишга ундайдиган “Менинг обод томорқам” танловида йигит-қизлардан ўз томорқасидан унумли фойдаланаётгани, унга ишлов бериб, экин экаётган жараёнлари акс этган фотосурат ва видеоларни @mening_obod_tomorgam телеграм манзилимизга юборишлари сўралган. 15 майга қадар давом этадиган мазкур танлов ғолиблари кенгаш томонидан муносиб тақдирланади.

— Жорий йилнинг 28 апрель кuni Президентимизнинг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда аграр соҳани жадал рақамлаштириш бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар берилди. Айни пайтда қишлоқ ва фермер хўжаликларига замонавий технологиялардан фойдаланиш қай даражада йўлга қўйилган?

— Чиндан ҳам, бугунги глобаллашув жараёни дунё бозоридидаги рақобатни янада кучайтираётган бир пайтда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва жаҳон бозорларида мустақкам ўринга эга бўлиш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришда замонавий технология ва инновациялардан фойдаланишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида яққол кўзга ташланади.

Сўнги йилларда юртимиз қишлоқ ва фермер хўжаликларига замонавий суғориш технологиялари, жумладан, экин майдонларини томчилатиб суғориш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур усул деҳқонларга сув ресурслари етишмаслик шароитида кам сув сарфлаб, юқори ҳосил олиш имконини беради. Технология электрон тарзда бошқарилади, натижада сув ҳар бир экиннинг муайян даврдаги эҳтиёжига мос равишда дала бўйлаб бир текисда берилади. Томчилатиб суғоришда бошқа суғориш усулларига нисбатан 20 фоиздан 80 фоизгача сув тежаллади. Тупроқнинг унумдор қатлами сақланиб қолади. Сув филтрдан тозаланиб келингани боис, далада бегона ўтлар уруғлари оқиб келмайди ва даланинг ўт босиш даражаси кескин камаяди. Сув ҳар бир экиннинг тагига етиб бориши ҳисобига боғ ва тоқзорларда ҳосилдорлик 40 фоизгача, сабзавот майдонларида эса 80 фоизгача ортади. Ҳосил одатдаги қараганда, 10-15 кун эрта пишди.

Боғбонларимиз ҳам ҳозирги кунда боғ ва дала неъматларини сифатли сақлашга мўлжалланган замонавий омборлар, совитиш ва музлатиш ускуналари, илғор техника ҳамда технологиялардан унумли фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2018 йил 20 ноябрдаги “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида барча ҳудудларда замонавий тирополика усулидаги иссиқхоналар ташкил этилмоқда. Гидропоника — қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва тежамкорликка эришиш йўлидаги инновацион технологиялардан бири бўлиб, у тўлиқ автоматлаштирилган тизим орқали бошқарилади. Бундай ихчам ва самарадор иссиқхоналар тежамкор энергия, суғориш ва озиқлантириш тизимига эга бўлгани боис, уларда оддий иссиқхоналарга нисбатан ҳосилдорлик анча юқори бўлади.

— Ёш фермерлар фаолиятини ташкил этиш бўйича бугун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳозир юртимизда жами 80134 та фермер хўжалиги, 47192 та деҳқон хўжалиги мавжуд. Шундан 11051 таси ёш фермерларга тегишли. Ўзбекистон ёш

фермерлари кенгаши ўз фаолиятини бошлаган илк кунлардан фермерликка қизиққан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг соҳадаги билимини ошириш, фаолиятига хорижий тажриба ва замонавий технологияларни жалб этишга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Фермер хўжалигини ташкил этиш истагидаги ёшларнинг аксарияти имконият ва тажрибасининг етишмаслиги сабабли тендерларда ютқазиб қўйиши натижасида қишлоқ хўжалигига бўлган қизиқиши тез сўниб қоларди. Шу каби масалалар ечими юзасидан ёшларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши томонидан тегишли ташкилот ва вазирликларга айрим қонун ва қарорларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича бир қатор таклифлар тақдим этилди.

Ушбу таклифлар асосида “Ер кодекси” ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришга кўра, эндиликда деҳқон хўжалигига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан мерос қилиб қолдириладиган ер участкаси туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгаши тавсияномасига эга ёш фуқароларга ҳам берилиши белгиланди. Илгари бундай участкалар фақат оилали ва қишлоқ жойларда камидан уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларгагина тақдим этилар эди.

Шунингдек, фермерликка қизиққан ва фаолиятини эндигина бошлаган ёшларнинг соҳадаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида кенгаш томонидан “Барчаси ёш фермерлар истиқболи учун”, “Фермер — фермерга”, “Ёш фермерлар инновацион ривожланиш йўлида”, “Ёш асаларичи”, “Қишлоқ хўжалигида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” каби лойиҳалар ишлаб чиқилган. Халқаро ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик асосида ҳозирга қадар 100 дан ортиқ ёш фермер хорижий мамлакатларда ўз малакасини ошириб қайтди.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги стартапларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Германиянинг Жамғарма кассалари фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши ва бир қатор банклар билан ҳамкорликда “Айланма кредит фонди” ташкил этилди. Биринчи босқичда жами 345 000 евро маблағ Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида 100 га яқин ёш учун иттиёзли кредит сифатида тақдим этилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 2017 йилда ёш фермерлар сони 4356 нафарни ташкил этган бўлса, кейинги икки йил давомида 11051 нафарга етди.

Бир сўз билан айтганда, бугун соҳада яратилаётган кенг имкониятлар самараси ўлароқ, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, хусусан, фермер хўжаликларига фаолият юритаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу эса мазкур тармоқни ёш кадрларнинг илғор ғоялари, янгича қарашлари ҳамда замонавий технологиялар ёрдамида янада ривожлантириш, пировардида халқимиз дастурхони тўкин-сочин, турмуши фаровон бўлишига хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.